



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI HAY'AT QARORI

2023-yil 6-sentyabr

№ 7/1

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари билан жорий йилнинг 9-ойига белгиланган ва йиллик прогноз кўрсаткичлар ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича раҳбар-ҳодимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида**

Вазирлик ҳайъати таъкидлайдики, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган вазифалар асосида 2023 йилда белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини белгиланган муддатларда, сифатли ва тўлақонли таъминлаш, мамлакатимизда сув хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, сув хўжалигини модернизация қилиш ва ривожлантириш, сув ресурсларини бошқариш, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан:

суғориш ишларига жами 26 млрд. 326 млн.м<sup>3</sup> сув ёки ажратилган лимитга нисбатан 105 фоиз сув етказиб берилган бўлиб, ўтган вақт давомида 11,97 млн. гектар, шундан 3,77 млн. гектар ғўза, 1,83 млн. гектар такрорий, 4,3 млн. гектар томорқа ва бошқа экин майдонлари суғорилди ҳамда 74,6 минг гектар майдонда ғалла экишдан олдинги шўр ювиш ва нам суви бериш ишлари ташкил этилган;

сув ресурсларини самарали бошқариш, сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни жорий қилиш, ирригация тадбирларини амалга ошириш, ерларни лазер текислаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳисобидан шу кунга қадар жами 5,2 млрд. м<sup>3</sup> миқдорида сув ресурслари иқтисод қилинишига эришилган;

жорий йил бўйича 2 614 та “Ақлли сув” қурилмаси, 1 482 та “Дайвер” қурилмаси, 44 та насос “онлайн” назорат қилиш қурилмаси ўрнатилиб, 10 та йирик сув хўжалиги объектлари автоматлаштирилган;

тасдиқланган манзилли дастурларга асосан жорий йил давомида республика бўйича жами 324,7 минг гектар майдонда, шундан 67,7 минг гектарда томчилатиб, 15,0 минг гектарда ёмғирлатиб, 6,7 минг гектарда дискрет, 57,8 минг гектар майдонда бошқа турдаги сув тежовчи технологиялар жорий қилинди ҳамда 177,5 минг гектар экин майдонлари лазер ускунаси ёрдамида текисланган;

вазирлик тизимидаги насос станцияларда хизмат муддатини ўтаб бўлган 174 та насос ва 234 та электродвигателларни янгилаш белгиланган бўлиб, амалда Насос станциялари ва энергетика бошқармалари томонидан 148 та насос ва 206 та электродвигателлар ўрнатилган;

вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари томонидан эксплуатация маблағлари ҳисобидан 3 188 км хўжаликлараро суғориш

тармоқларини (каналларни) тозалаш ҳамда улардаги 3 429 дона гидротехник иншоотларни ва 3 324 дона гидростанцияларни таъмирлаш ишлари бажарилган;

сув хўжалиги тизимидаги 300 та насос станциялари ташаббускорларга ернинг ижара муддатига мос даврга текин фойдаланиш ҳуқуқи ва модернизация қилиш шарти билан давлат-хусусий шериклик асосида бериш бўйича лойиҳа хужжатлари шакллантирилган.

**Лекин**, эришилган натижалар билан бирга ўтган давр мобайнида бир қатор хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилган бўлиб, ҳозирги кунда ўз ечимини қутаётган масалалар мавжуд. Жумладан:

2023 йил 1 апрелдан 31 августга қадар республика бўйича барча манбалардан суғориш ишлари учун 24 млрд 982 млн.м<sup>3</sup> сув лимити ажратилган бўлиб, амалда 26 млрд. 326 млн.м<sup>3</sup> сув (105 фоиз) олинган. Жумладан, Бухоро вилоятида ажратилган сув олиш лимитига нисбатан 151 млн.м<sup>3</sup> (108%), Хоразмда 179 млн.м<sup>3</sup> (107 %) Сирдарё вилоятида 39 млн.м<sup>3</sup> (102%) ва Тошкентда 53 млн.м<sup>3</sup> (102%) ортиқча сув олинган.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 февралдаги ПҚ-5005-сон қарори билан белгиланган режа-прогноз кўрсаткичларига нисбатан 178,6 минг гектар ёки 63 фоиз (шундан пахтада 119,6 минг гектар ёки 79 фоиз) майдонларда томчилатиб суғориш, 13,0 минг гектар ёки 46 фоиз майдонларда ёмғирлатиб суғориш технологияси жорий қилинмаган.

Пахта майдонларида суғориш ишлари яқунланаётган бўлишига қарамадан молиялаштирилган майдонга нисбатан Қорақалпоғистон Республикасида 35 фоиз, Навоийда 40 фоиз, Наманганда 53 фоиз, Сирдарёда 63 фоиз ҳамда Хоразмда 66 фоиз пахта майдонларида қурилиш-монтаж ишлари яқунланган.

Жорий йилда “Ақлли сув” қурилмаларини ўрнатиш ишлари Тошкент, Фарғона, Андижон, Сирдарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларида қоникарсиз ахволда.

Вазирлик ва хусусий шерик ўртасида имзоланган битим бўйича 170 та давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида хусусий шерикларнинг инвестиция мажбуриятлари бажарилиши таъминланмаган.

Ҳудудларда ерларни фойдаланишга киритиш учун жами 390,8 млрд.сўм маблағлар эвазига 130 км суғориш тармоқларини янгидан қуриш ва 268 км қисмини таъмирлаш, 28 км коллекторни янгидан қуриш ва 100 км таъмирлаш, 435 дона тик суғориш қудуғи ва 52 дона насос агрегатларини қуриш, 208 км электр линияларини тортиш ва 23 048 гектар ер майдонларида агротехника тадбирларни амалга ошириш натижасида жами 45 811 гектар ер майдонлари қайта фойдаланишга киритилган. Бироқ, Андижон вилоятида ерларни фойдаланишга киритиш бўйича кўрсаткичларни бажаришга бугунги кунгача киришилмаган.

Жорий йилда насос станциялардаги эскирган 174 дона насос ва 234 дона электродвигателларни янгисига алмаштириш режалаштирилган бўлиб, амалда январь-август ойлари давомида 148 дона (85 %) насос ва 206 дона (88 %) электродвигателлар янги энергия тежамкорларига алмаштирилди.

Вазирлик тасарруфидаги республика ҳудудий ташкилотларининг масъулиятсизлиги сабабли қабул қилинган айрим буйруқларнинг ижроси

таъминланмасдан қолмоқда. Жумладан: “Қурбон ҳайити” ва “Мустақиллик” байрами муносабати билан ходимларни рағбатлантириш ҳақидаги буйруқ.

Юқорида қайд этилган ҳато-камчиликлар ва қоқоқликларни зудлик билан бартараф этиш, ўз ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан 2023 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини таъминлаш бўйича бошқарувнинг барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида, ҳайъат йиғилиши

#### **Қарор қилди:**

1. Вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, туманлар ирригация бўлимлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари билан жорий йилнинг 9-ойига белгиланган ва йиллик прогноз кўрсаткичлар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар **қониқарсиз деб топилсин.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатларда баён этилган кўрсатма ва топшириқларнинг ижросини кечиктириб бажариш, шунингдек, белгиланган муддатларда, тўлақонли ва сифатли таъминланмаслик ҳолатларидан тегишли хулоса чиқариши, шахсий масъулият ва жавобгарлик, ҳар бир ижро интизомига қатъий ва сўзсиз риоя этмаслик ҳолатлари учун **интизомий жазо муқаррарлигини ҳис этган ҳолда фаолиятини ташкил этиши уқтириб ўтилсин.**

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5005-сон қарори билан 18-иловага мувофиқ тасдиқланган “*Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш натижасида эришиладиган асосий мақсадли кўрсаткичлар ва Индикаторлар*” ижросини таъминлашда қоқоқликка ва масъулиятсизликка йўл қўйганлиги учун Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Т.Алимов **эгаллаб турган лавозимидан озод қилингани маълумот учун қабул қилинсин.**

3. Сув омборларида сейсмологик текширувларни ўтказишни кечиктиргани ҳамда хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектлари техник ҳолатини яхшилаш бўйича махсус қарор ижросини таъминлашга масъулиятсизлик билан ёндошганлиги учун Жиззах вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи У.Суяров, Наманган вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Ж.Неъматов, Тошкент вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Д.Дўстматов ва Самарқанд вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи И.Турсуновларга Меҳнат кодексининг 312-моддасига мувофиқ **“ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилсин.**

4. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими А.Ишчанов ва Юридик бўлим бошлиғи Р.Шаропов ушбу ҳайъат йиғилиши қарори билан интизомий жавобгарликка тортилган ходимларга нисбатан қўлланилган жазони расмийлаштириш бўйича **3 кун муддат ичида “Интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида”ги буйруқ лойиҳасини киритсин.**

5. Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 апрелдаги ПҚ-107-сон қарори билан белгиланган:

*сув тежовчи технологияларни жорий этиш ишларини белгиланган муддатларда бажармаганлиги учун* Беруний, Шўманой, Қонликўл, Қўнғирот, Нукус, Кегейли, Чимбой, Қораўзак, Кармана, Хатирчи, Боёвут ва Фуркат туман ирригация бўлимлари бошлиқларига;

*ирригация тизимлари, гидротехник иншоотларнинг техник ишончли ишлатилишини таъминлаш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйгани учун* Мўйноқ, Тахтакўпир, Нукус, Амударё, Чимбой, Зангиота, Паркент, Хўжайли, Қораўзак, Бўстон, Қўрғонтепа, Учқўрғон, Кува туман ирригация бўлими бошлиқларига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 312-моддасига мувофиқ **“ҳайфсан”** жазосини қўллаб, натижаси тўғрисида вазирликка ахборот берсин.

**Белгилаб қўйилсинки**, мазкур қарор билан жорий йилга белгиланган прогноз кўрсаткичларни ижросини 1 октябрга қадар тўлиқ ва сифатли таъминламаган тақдирда уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 312-моддасига мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган интизомий жазо чоралари қўлланилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5005-сон ҳамда 2023 йил 1 апрелдаги ПҚ-107-сон қарори билан соҳага сувни тежайдиган ва рақамли ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ишларини белгиланган муддатларда бажармагани учун Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Б.Қурбонов, Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Ф.Турсунов, Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи А.Бойсариев, Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи М.Хошимов ҳамда Қуйи-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Ш.Исроиловларга **огоҳлантириш эълон қилинсин**.

7. Молия-иқтисод ва хўжалик фаолияти бошқармаси бошлиғи С.Алимарданов:

Вазирлик тизимидаги бюджет ташкилотларининг ходимларини 2023 йил “Қурбон ҳайити” ва “Мустақиллик” байрами муносабати билан рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан кундалик мониторинг юритиб, жорий йилнинг 10 сентябргача ижросини таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Вазирлик Жамоатчилик кенгаши (Мухаммедназаров)дан бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармасига маблағ тушириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш ҳолатини таҳлил қилиб, ходимларини рағбатлантирмаган раҳбарларни фаолиятига баҳо бериш юзасидан раҳбариятга таклиф киритиш сўралсин.

9. Вазирнинг биринчи ўринбосари А.Назаров, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири ва вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиқлари:

**жорий йилнинг 15 сентябрга қадар** соҳани рақамлаштиришга маҳаллий бюджетдан ажратилиши режалаштирилган маблағларни олишни маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда якунига етказиш;

*бир ҳафта муддатда* 2023-2024 йилларга мўлжалланган вазирликнинг кузги-қишки тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

*ҳар ҳафтанинг охири* кунида тасдиқланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 апрелдаги ПҚ-107-сон қарори ва вазирликнинг 2023 йил 13 январда тасдиқланган режа жадвалига мувофиқ амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиб бориш;

*жорий йилнинг 15 сентябрга қадар* сув хўжалиги соҳасига рақамли технологияларни жорий қилиш бўйича 2023 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва индикаторлар ижросини таъминлаш мақсадида, ўрнатиладиган рақамли қурилмаларни сотиб олиш учун талаб этиладиган маблағларни тўлиқ молиялаштирилишини таъминлаш;

*жорий йилнинг 20 сентябрга қадар* ўрнатилаётган рақамли қурилмаларни вазирлик серверлари билан доимий боғланишини ва техник топшириқ талабларига тўлиқ мос келишини таъминлаш;

қурилмаларнинг мобиль сим-карта ойлик тўловларини *доимий равишда* амалга ошириш ва уларни мониторингини юритиш;

соҳада мавжуд ахборот тизимларига кунлик маълумотларнинг узлуксиз киритиб бориш;

*2023 йилнинг 1 октябрга қадар* 9 ой давомида ўрнатилган барча қурилмаларнинг шартнома, ўрнатиш далолатномаси ва ҳисоб-фактуралари нусхаларини вазирликка ([akt@minwater.uz](mailto:akt@minwater.uz)) тақдим этиб бориш;

рақамлаштирилган сув хўжалиги объектларининг мобиль сим-карта ойлик тўловларини доимий равишда амалга ошириш ва уларни мониторингини юритиб бориш, ўрнатилаётган қурилмаларнинг техник соз ҳолатда туришини қатъий назоратга олишни таъминлаш;

*ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 3 санасига қадар* иқтисод қилинган электр энергияси миқдорлари бўйича вазирликка тегишли ҳисоб-китоблар билан асосланган ҳисоботларни бериб бориш;

*ҳар ойда* электр энергияси учун ҳақиқатда ажратилган маблағлар бўйича насос станцияларни ишлатиш юзасидан тегишли графикларни ишлаб чиқиб, вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланишини таъминлаш ва шу асосида насос станцияларини ишлатиб бориш;

насос станцияларга ўрнатилиши режалаштирилган **174 та** насос, **234 та** электродвигател, **100 та** қуёш электр панеллари, **46 та** қуёш сув иситиш қурилмалари, **97 та** конденсатор қурилмаларини, **147 та** частота ўзгартирувчи қурилмаларни жорий йилнинг *1 октябрга* қадар сотиб олиниши ҳамда ўрнатилишини таъминлаш;

*доимий равишда* ишлаётган қудуқларни назорат қилиб, унга боғланган майдонларга сув тежовчи суғориш технологиялари жорий қилмаган тақдирда уларни дарҳол ўчириш чораларини кўриш вазифалари топширилсин.

10. Сув хўжалиги вазири ўринбосари Р.Қаршиев, Ички аудит, комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи А.Баҳодиров ҳамда Молия-иқтисод ва хўжалик фаолияти бошқармаси бошлиғи С.Алимарданов *10 кун муддатда* жорий йилнинг *1 ноябрга* қадар *“Agro-subsidiya” ЯАТ* орқали ажратилиши кутилаётган субсидия маблағларини таҳлил қилсин ва ажратиш юзасидан ҳар декадада амалга ошириладиган ишлар бўйича график ишлаб чиқиб тасдиқласин.

11. Вазир ўринбосари Р. Қаршиев, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, барча ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бошлиқларига:

**уч кун муддат ичида** ушбу қарор ижросини таъминлаш борасида йўл қўйилган хато ва камчиликлар, қоқоқликлар, эришилмаган натижалар ҳамда ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

ушбу чора-тадбирлар режаси ижросини ҳар бир туман, ҳар бир кластерлар ва ҳар бир фермер хўжалиги кесимида танқидий руҳда муҳокама қилиб, хато ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, қоқоқликлар ҳамда ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган масалаларни тизимли равишда ҳал қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида ҳар ҳафта якуни билан вазирликка ёзма равишда ахборот тақдим қилиш;

**ўн беш кун муддат ичида** барча ҳудудларда сув тежовчи технологияларнинг афзалликлари бўйича ўқув-амалий семинарлар ташкил қилиб, натижаси бўйича вазирликка ахборот берсин.

**ўн беш кун муддат ичида** Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва барча ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузурида Хоразм тажрибаси асосида сув тежовчи технологияларни монтаж қилиш ва сервис хизмати кўрсатиш гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйсин ҳамда сервис гуруҳлари томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ҳар ой якуни билан вазирликка тақдим қилиб борилсин.

**Белгилаб қўйилсинки**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5005-сонли қарори билан тасдиқланган Стратегиянинг 11-иловасидаги прогноз кўрсаткичлари ижросини белгиланган муддатларда, тўлақонли ва сифатли таъминланмаган тақдирда уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 312-моддасига мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган интизомий жазо чоралари қўлланилади.

12. Вазирнинг барча ўринбосарлари, вазирлик марказий аппарати бошқарма ва бўлим бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари раҳбарлари билан биргаликда:

**мунтазам равишда** қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли томорқаларини сув ресурслари билан ишончли таъминлаш, ирригация тизимлари ва суғориш тармоқларининг ҳамда улардаги гидротехник иншоотларни доимий техник соз ҳолатда ушлаб туриш, йирик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни ўз ҳудудида сувни бошқариш ва тақсимлаш ишларига жалб қилиш, иқтисодиёт тармоқларини сув билан таъминлашга оид давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш бўйича давлат-хусусий шериклик тамойилларини кенг жорий этиш ҳамда сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини инсон омилига минимал равишда боғлиқ бўлган автоматлаштирилган тизимлар орқали юритиш бўйича топшириқлар ижросини жойларда мақсадли равишда ўрганиб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-5005-сон қарори ижросини сўзсиз таъминлаш,

вазирликка юклатилган вазифа ва функцияларнинг ижросини тизимли равишда ташкил этиш;

**ўн кун муддатда** сув хўжалигининг функцияларини давлат-хусусий шериклик асосида хусусий секторга ўтказиш бўйича таклиф тақдим этмаган ҳамда битим шартларига кўра хусусий шериклар томонидан инвестиция мажбуриятини тўлиқ бажарилишини таъминламаган ҳудудий ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси раҳбарларига нисбатан белгиланган тартибда чора кўриш бўйича асослангирилган таклиф киритиш;

**жорий йил якунига қадар** Қуйи бўғинда сув ресурсларини самарали бошқариш, уларнинг ҳисоби ва ҳисоботини тўлақонли юритиш, сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни такомиллаштириш ҳамда зарур тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан жами **7 млрд. м<sup>3</sup>** сув ресурсларини тежаш чораларини кўриш;

сув омборлар ҳавфсизлигини таъминлаш, ирригация тизимлари, гидротехник иншоотларнинг техник ишончли ишлатилишини таъминлаган ҳолда, сув хўжалиги ташкилотлари ҳисобидаги ирригация тизими каналларини таъмирлаш ва тиклаш ишларини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

Ушбу йиғилиш қарорида белгиланган топшириқлар ва тадбирларнинг ижросини ўрнатилган муддатда, тўлақонли, сифатли таъминламаган, шунингдек, топшириқларнинг ижроси кечикишига йўл қўйган раҳбар-ҳодимларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жазо чоралари қўллаш юзасидан таклиф (*вазирлик буйруқ лойиҳасини*) киритиб борсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари раҳбарлари **2 кун муддатда** 8 ойлик якунлари бўйича йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ҳамда қафолат хатларини вазирликка тақдим этсин.

14. Ахборот хизмати бошлиғи (Матбуот котиби) Ш.Суюнов, вазирлик марказий аппарати бошқарма ва бўлим бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари билан ҳамкорликда **мунтазам равишда** 2023 йил суғориш мавсуми (вегетация)да сув олиш лимити доирасида сув етказиб бериш, йирик гидротехник иншоотлар, насос станцияларини мавсум давомида узлуксиз ҳамда беталафот ишлашини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишларни босма матбуот, Интернет нашрлари, телерадиоканалларда, шунингдек, вазирликнинг расмий веб-сайти, матбуот котибининг Telegram ижтимоий тармоғидаги канали, Facebook ижтимоий тармоғидаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги” саҳифаси ҳамда Youtube тармоғидаги саҳифасига ахборотлар жойлаштириб борсинлар.

15. Мазкур йиғилиш қарори топшириқларининг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.Назаров зиммасига юклатилсин.

Ҳайъат раиси



Ш.Хамраев